

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил биринчи ярмига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар	Муддати	Масъуллар
<i>1. Умумий масалалар</i>			
1.1	Судлар фаолиятида жорий этилган ўзгаришлардан келиб чиқиб, судларда кўрилган ишлар натижалари бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда қулайлик яратиш ҳамда тезкорлик билан маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш мақсадида ҳисобот шакллари қайта кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш чораларини кўриш. Натижасига кўра таклиф киритиш.	январь-март	А. Усманов Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект департаменти Ташкилий-назорат бошқармаси
1.2	Олий суд ахборот тизимлари ҳамда судларда иш юритувини соддалаштиришга қаратилган таклифларни олиш, уларни таҳлил қилиш ва заруратга кўра ахборот тизимларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.	январь-июнь	А. Усманов Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект департаменти Ташкилий-назорат бошқармаси
1.3	Суд объектларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижалари ва ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ҳамда мақсадли ўзлаштирилишини доимий ўрганиб, натижаси бўйича ҳар ойда камида бир марта Олий суд раисига ахборот киритиш	январь-июнь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.4	Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган манзилли дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган суд биноларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнларини ҳудудлар ва ҳар бир объект кесимида амалга ошириш бўйича зарур чораларни кўриш, натижалари бўйича Олий суд раисига ахборот киритиш	январь, апрель	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти

1.5	Олий суд ва куйи судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек мурожаатларни “Ишонч телефони” орқали қабул қилиш аҳволини ўрганиб, ички меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш	март	Аппарат раҳбари Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси
1.6	Ижро этилмай қолган суд қарорларини, шу жумладан ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати бекор қилинган ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда тугатилган ижро ҳужжатларини ўрганиш	апрель	А. Усманов, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.7	Кадрлар захирасини шакллантириш, номзодларни ишга қабул қилиш ҳамда меҳнат муносабатларини амалга ошириш юзасидан семинар машғулоти ўтказиш	алоҳида режа асосида	Аппарат раҳбари Кадрлар бошқармаси
1.8	Судга ҳурматсизлик қилганлик, суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича қоралар кўрмаганлик учун маъмурий судларга ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ваколатини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш	май	Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти
1.9	Давлат органи ҳужжатининг қонуний кучига таяниб фаолият юритган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ишончини ҳимоя қилиш учун мазкур ҳужжатнинг кейинчалик бекор қилиниши ушбу шахснинг ўз мулкидан маҳрум бўлишига ёки бошқа оғир оқибатлар олиб келмаслигига оид қоидаларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш	май	Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти
1.10	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, судлов ҳайъатлари ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлари ўтказиш	алоҳида режа асосида	Раис ўринбосарлари Судлов ҳайъатлари
1.11	“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастурида белгиланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш	Доимий	Одил судлов соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш департаменти

2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар

2.1	Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг 2026 йилда Эрон Ислом Республикасида ўтказилиши режалаштирилган навбатдаги XXI мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг иштирокини таъминлаш	январь-июнь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.2	Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (ИРЗ) билан ҳамкорликда судьялар учун одил судловнинг долзарб масалаларига бағишланган тадбирларни ташкил этиш	январь-июнь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим
2.3	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда судья ва суд ходимлари учун суд-ҳуқуқ соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган тадбирлар ташкил этиш чораларини кўриш	январь-июнь	Халқаро-ҳуқуқий бўлим

3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар

3.1	Судлов ҳайъатларида ишларни тафтиш инстанциясида кўрилиши бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва Раёсат муҳокамасига киритиш	январь	Раис ўринбосарлари Судлов ҳайъатлари Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.2	Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш (<i>XIX-боб</i>), кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш (<i>251¹-м</i>) га оид кўрилган жиноят ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	январь-февраль	А.Усманов ЖИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.3	Мажбурий ижро бюроси органлари мансабдор шахслари қарорлари, хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашишга доир ишларни умумлаштириб, натижаларини Раёсат йиғилиши муҳокамасига киритиш	февраль	Ш.Полванов МИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими

3.4	Келишув битими ва медиатив келишув билан якунланган иқтисодий ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	март	М.Каландарова ИИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.5	Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш бўйича фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	апрель	Ш.Полванов ФИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.6	Маъмурий судлар томонидан 2024-2025 йилларда рақобат тўғрисидаги низоларни кўриш амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	май	Ш.Полванов МИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.7	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ишлар юзасидан суд амалиётини умумлаштириш ва натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	май	А.Усманов ЖИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.8	Жиззах, Навоий вилояти судларининг 2024-2025 йиллар ва 2026 йил ўтган давридаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	март-май	Ш.Полванов М.Каландарова Ишчи гуруҳи аъзолари
3.9	Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш (<i>эгаллик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат</i>) бўйича фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш	июнь	Ш.Полванов ФИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
3.10	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2026 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси ижроси ва 2026 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси лойиҳасини Раёсат муҳокамасига киритиш	июнь	А.Усманов Аппарат раҳбари Ташкилий-назорат бошқармаси

3.11	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларнинг 2026 йил биринчи ярмидаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти якунларини ҳамда келгусидаги вазифалари ҳақидаги қарор лойиҳасини Раёсат муҳокамасига киритиш	июнь	Раис ўринбосарлари Аппарат раҳбари Ташкилий-назорат бошқармаси
4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар			
4.1	Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 36-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	июнь	А.Усманов ЖИБ судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.2	“Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	июнь	Ш.Полванов ФИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
4.3	“Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига (02.02.2006 йилдаги «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 4-сонли қарори ва 29.07.2016 йилдаги «Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 11-сонли қарори) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	июнь	Ш.Полванов ФИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими
4.4	“Суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ва даъвони (дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш) таъминлаш чораларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш	июнь	М.Каландарова ИИБ судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти бўлими